

# ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 169 (2202).

24 август, жума, 1962 йил

Баҳоси 2 тийин.

## СССР МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ СЪЕЗДИГА

Азия ўртоқлари! Коммунистик партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети матлубот кооперацияси вакиллари олтинчи съездининг делегатларини қизғин табриқлайди. Бу съезд КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга ошираётган совет халқининг меҳнат соҳасидаги ғайрати бешиқ ошган бир вазиётида ўтмоқда.

Мамлакатимизда матлубот кооперацияси кенг меҳнаткашлар оmmasini коммунистик қурғилишга жалб қилиш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг формаларидан бири бўлиб, ижтимоий ўз-ўзини бошқариш шаклидир. Матлубот кооперацияси қишлоқда савдо-сотиқни такомиллаштиришни, ортқича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишни ташкил этмоғи керак. 43 миллиондан ортқи пайчини бирлаштирувчи оммавий ижамот ташкилоти бўлган матлубот кооперацияси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга талайгина ҳисса қўшмоқда.

Социалистик экономикани тез ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни узуксиз суратда кўпайтириш, совет кишиларининг фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш матлубот кооперациясининг хўжалик ва ташкилотчилик фаолиятини янада кенгайтириши ҳамда яхшилашга талаб қилади.

Матлубот кооперацияси ходимларининг бурчи — кооператив савдосини янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш ҳақида кўпроқ тахмуллик қилиш, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, халқ истеъмоли товарларининг сифатини ва ассортиментини яхшилашга активроқ таъсир ўтказиш, китоблар ва маданий товарлар билан савдо қилишни яхшилаш, ишдаги камчиликларни тезроқ тугатиш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданийнинг муттасил оширишдан иборат. Ошхоналар, чойхоналар, новийхоналар, кирхоналар, ремонт ва тиквух устaxonалари, болалар муассасалари шохобасини бутун чоралар билан кенгайтириш зарур.

Матлубот кооперацияси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёси, мева ва резавор тайёрлашни кўпайтириш, колхозлар ва колхозчиларда мавжуд бўлган ортқича маҳсулотларни сотишни кенг қўламда йўлга қўйишнинг методларини муттасил яхшилаш, кооператив маблагларини кўпайтириш ва сақлаб қолиш учун, иқтисод ва тежам учун курашни кучайтириш, — хўжаликчилик ва ноубудгарчиликка таг-томори билан қатъийан барҳам бериш — матлубот кооперацияси ходимларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Кооператив ташкилотлари демократия принципларига қатъий риоя қилмоқлари, пайчилар билан алоқаларини доимо мустақамлаб боришлари, пайчиларни хўжаликни бошқаришга ҳамда матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг фаолиятини контрол қилишда иштирок этишга кенг жалб қилишлари, ишдаги камчиликларни танқид ва ўзаро танқид қилишни авж олдиришлари керак.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдирадидиларки, матлубот кооперациясининг ходимлари ўз олдларида турган вазифаларни тағин ҳам зўр ғайрат билан бажарадилар ҳамда мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишига ўз мусоиб қиссаларини қўшадилар.

СССР ИТТИФОҚИ КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## ЯНГИ ҲОСИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Бу йил областимизда пахтакорларга она-Ватанга 503 минг тонна «оқ олтин» этаклаб бериш юзасидан эълорат олдига сўз берганлар. Ана шу олинган юксак мажбуриятни шараф билан бажариш мақсадида колхозчилар ва совхоз ишчилари эрта баҳордан бошлаб астойдил меҳнат қилдилар. Ёзидики бепоён далаларимизда мўл ҳосилнинг аён ишонарлар яқоқ кўзга ташланиб қолди. Шу кунларда пахтакорларимиз гўза парварлигини сира сурайтирмаган ҳолда йилнинг термин ишларига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Областимиздаги бир қатор илгор пахта тозалаш заводларининг коллективлари ўз зиммаларига юклатилган вазифани бутун тўғрлиги билан ҳис қилганлари ҳолда янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Тошкент ва Алимқент пахта тозалаш заводларининг коллективлари шулар жумласидандир. Тошкент пахта тозалаш заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари айниқса ғайрат кўрсатдилар. Корхонада асбоб-ускуналарни ремонт қилиш, янги механизмларни ўрнатиш тайёролов пунктларини тартибга келтириш ишлари областимизда биринчилар қаторида тугаланди. Қоп-чанорисиз пахтани қабул қилиб оладиган махсус механизмлар ўрнатилди, лаборатория асбоблари тўла ремонтдан чиқарилиди, автогаронилар тахт қилиб қўйилди. Заводнинг тайёрлов пунктлари зарур нарслар билан тўла-тўғрлиги таъминланди. Улар ҳузуридаги қуриш-тозалаш цехлари тахт қилиб қўйилди.

Ҳосилни йилнинг мавсумининг бошланғичида жуда оқ қуддат қолди. Аммо пухта қарамай кўпчилик корхоналарининг хўжалик раҳбарлари, партия ва касса сўз ташкилотлари ҳали

вақт эрта деган зарарли қайғи-ғайра билан, ҳеч асосиз равишда тайёргарлик ишларини ортага сурмоқдалар. Чунинчи, областдаги 43 та қуриш-тозалаш цехларидан фанат 17 та сингига, колхозлардаги 264 та сўшмондан фанат 14 та сингига тайёр холга келтирилган. Айниқса Чирчиқ ва Янгиёул қишлоқ чирчиқ бошқармаларининг хўжаликчилари тайёргарлик ишлари сўз бормоқда. Хозир областдаги 58 та тайёрлов пунктдан 30 та янги ҳосилни қабул қилишга тайёр. Кўпчилик пунктлар пахтани қабул қилиб олиш учун зарур техник билан тўла таъминланган эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Мўл ҳосилни йилнинг олинган намунага тайёрлаш» қароридан шу нарсга алоҳида уқтириш ўтилганини пахта ҳосилни терилш ва тайёрлашга ўз вақтида хозирлик қилиш — партия совет, қишлоқ хўжалигини ва тайёрлов органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир. Янгида область партия комитетининг бюроси янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргарлик масаласини муҳомаа қилиб, бу соҳадаги илғиди камчиликларини очиб ташлади. Ҳали ҳам вақт ганимат. Бутун чораларни кўрган ҳолда 15 сентябргача областдаги барча қуриш-тозалаш цехлари ремонтини тўламолаш ва уларни тайёр ҳолга келтириш керак.

Област қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармаси, «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаси, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари янги кунлар ичида хирмонларни қуриш, тоштароқларни, транспорт воситаларини, йўлга кўриқларини тартибга келтириш ишларини тугаллашлари зарур.

Вақт кутиб турмайди. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ганимат. Давлатга пахта топириш сўраётларини биз табиати янги илғиди қилдирилган боғлиқ қилиб қўймаслигимиз даркор. Бунинг учун эса колхоз ва совхозлардаги сўшмонлар, тайёрлов пунктлари ҳузуридаги барча қуриш-тозалаш цехларининг тайёргарлигига алоҳида эътибор бериш керак. Пахта йилнинг-терминини ҳар тарафлама шай ҳолда кутиб олиш — тайёрлов органлари ходимларининг Батан ва халқ олдадаги шарафли бурчидир.

(ЎЗАТАГ)

# СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ ИНСОНИЯТ УЧУН ЮЛДУЗЛАР САРИ, БУТУН ЕР ЮЗИДА БАХТ-САОДАТ САРИ ЙЎЛ ОЧМОҚДА



1962 йил 21 август. Матбуот конференцияси президиумида: СССР Фаялар академиясининг президенти М. В. Келдиш ва совет космонавти Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриян Николаев ва Павел Попович.

## АНДРИЯН НИКОЛАЕВ ВА ПАВЕЛ ПОПОВИЧНИНГ ПАРВОЗИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МОСКВА, 21 август. (ТАСС). Бутун М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг мажлислар залида совет ва чет эл журналистларининг «Восток-3» ва «Восток-4» совет космик кемаларининг тарихда биринчи марта узоқ вақт гурппа бўлиб учинишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

СССР Фаялар академияси ва СССР Ташқи ишлар министрлиги ўтказган бу учрашуда икки мингдан кўпроқ киши қатнашди. Улар орасида бир неча юз чет эл ва совет мухбирлари, барча қитъалардаги газеталар, журналлар, радио ва телевизион компанияларининг комментаторлари бор эди.

Залда совет фани ва маданияти арбоблари, жамоат ташкилотларининг, шунингдек пойтахтдаги корхоналарнинг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар. СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳам тақдир этилган эди.

Матбуот конференцияси қатнашчилари Совет Иттифоқи Қарамонлари космонавт учувчилар Ю. А. Гагарин, Г. С. Титов, А. Г. Николаев ва П. Р. Поповичнинг самийни табриқладилар.

Ингиллардан олимларнинг нутқларини зўр қизиқини билан тингладилар. Улар Коминтерн халқ ҳеч қим ўрнатган бўлиқларини инсоният бахт-саодати йўлида ўзлаштириш соҳасида совет фани ва техникасининг усталигини аъёнлаштиришга юлдузлар томон бердилар.

Матбуот конференциясида Совет Иттифоқи Қарамонлари СССР космонавт учувчилари Андриян Григорьевич Николаев ва Павел Романович Попович сўзга чиқдилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингладилар.

Матбуот конференциясининг очини вақтида СССР Фаялар академиясининг президенти М. В. Келдиш кириш нутқи сўзлади.

## КОСМОСГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ Академик М. В. КЕЛДИШ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар! Ховимлар ва янаболар!

Космонавт учувчилар Андриян Григорьевич Николаев ва Павел Романович Попович ўртоқлар бошқаришида «Восток-3» ва «Восток-4» совет йўлдош кемаларининг жаҳонда биринчи рўппалаб қилган парвози 1962 йил 12 августда муваффақиятли тугалланди. Космонавт учувчилар Андриян Николаев ва Павел Попович биргаликда 71 соат давомида космосда парвоз қилиб, шу вақт ичида Ердан Ойга бориб келгунгача бўлган масофадан қариб уч баравар кўп йўл босиб ўтдилар.

Ўртоқ Николаев 1962 йил 11 августда Москва вақти билан соат 11:30 минутда бошланган йилдош парвози давомида 2.600 миң километрдан ортқи масофани ушиб ўтди ва Ер қурагини 64 мартадан кўпроқ айланиб чиқди. Ўртоқ Поповичнинг ажойиб парвози 1962 йил 12 августда Москва вақти билан соат 11:02 минутда бошланди ва у икки миллион километрга яқин масофани ушиб ўтди ҳамда Ер атрофини 48 мартадан кўпроқ айланиб чиқди.

Космонавт учувчилар учини программасини тўла бажариб, Қара-

ғандан жанубдаги районда ҳар қайси учун олдиндан музжаллаб қўйилган майдончага деярли бир вақтда гоят аниқ қўйилди.

«Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош кемаларининг бутун дувени қўйиб қилган парвозлари космик фазони тинч мақсадларда ўрнатилган ва ўзлаштириш соҳасида Совет Иттифоқи бажараётган программа мувофиқ амалга оширилди. Совет фани ва техникасининг буюк ютуғи бутун дувени бахт-саодатига хизмат қилади.

Юрий Гагарин ва Герман Титов томондан космосга очиб берилган йўл инсониятни ақал-идрога ва меҳнатини янги талабларига олиб борадиган кенг йўлга айлан-ланди. Андриян Николаев ва Павел Поповичларнинг «Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош кемаларида қилган парвозлари ана шу йўлнинг янги муҳим босқичи бўлиб, бизларни планеталараро учини амалга оширишга яқинлаштиради.

Космик кемаларнинг гурппа бўлиб учини планеталараро станцияларини ишлаб чиқиш учун, янада мукамалроқ космик кемаларни яратини учун, планеталараро трасаларини ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга.

Космик фазода гурппа бўлиб қўй қулиқ парвозини бажариш учун такомиллаштирилган космик йўлдош кемаларни яратини талаб қилинди. Йўлдош кемаларини бошқаришнинг мукамал системалари бутун учини программасини аниқ бажаришга имкон берди. Космик кемаларнинг ҳамма системалари парвознинг энг мураккаб участкаларида айниқса пухта ишлади — йўлдош-кемалар ўз орбиталарига ниҳоятда аниқ қиқирлиди ва кемаларнинг Ерга қўниши бенимқулет амалга оширилди.

«Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош-кемаларда алоқа радио аппаратларининг такомиллаштирилган комплекси, такомиллаштирилган телевидение аппаратлари, шунингдек кемаларнинг икки томонлама бевосита алоқа боғлашнинг таъминланган махсус қўшимча автоматика аппаратлари ўрнатилди.

Ер устидаги станцияларнинг кенг тармоқлари кемалар билан алоқада Совет Иттифоқининг истагиди бўлиб қолди. Бу парвозлар одамнинг инсониятига бевосита қўйиш имкониятини берди. Космонавтар билан УҒВ бўйича қўйишча бир неча миң километр масофада икки томонлама сўзлашши мумкин бўлди. ҚВ диапозонинда эса алоқа масофаси 10 миң километрдан ача ортқи бўлиб бир неча ҳоллар қайд қилинди.

Ер устидаги қабул қилиш ва

передатчик радио марказлари жуда пухта ва оператив ишлади. Бу марказларда координация-ҳисоблаш марказидан узуксиз алоқада турган ва муайян мақсадга қаратилган кўрсаткичларга мувофиқ қўйирилган кучли системалардан фойдаландилар.

Учининг узоқ давомли программаси космонавтарга ўрнатилган турини ва кабината эркин сузиб юриш имкониятини берди. Бу вақтда космонавтар турини иш операцияларини бажардилар. Эркин сузиш вақтида космонавтар кабинатада қарнайлар ва микрофонларнинг махсус системаси ёрдами билан радио орқали алоқа қилиб турдилар. Ана шу махсус система космонавтарнинг ердан берилгандаги эшиттиришлари амалда доим эшитиб туришини ҳамда космонавт кабинетини қайси жойида бўлмасин, унинг Ерга берадиган эшиттиришлари билан доим алоқа бўлишини таъминлади.

Парвознинг узоқ давомли бўлишини, космонавтарнинг икки томонлама сўзлашганлиги ва космонавтарнинг Ер билан радио орқали интенсив сўзлашганлиги турини радио тўқинларининг ўтиши ва айна вақтда бир неча кема билан радио алоқасини ташкил қилиш соҳасида ниҳоят даражада қimmatли материал тўплашга имкон берди.

Такомиллаштирилган «Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош-кемаларининг яратилганлиги ҳамда махсус чоралар қўрилганлиги космонавтарларнинг космик шароитда узоқ вақт парвоз қилишини таъминлашга имкон берди.

Қўрилган чоралар туфайли вазисизлик ҳамда космик парвознинг бошқа факторларининг таъсирини космонавтарнинг йўлоши юзидикин таъминлади. Николаев ва Попович ўртоқларининг бағишланган бутун учини программасини аниқ бажаришлари ҳамда космонавтарларнинг таъриблик методларини ишлаб чиқдилар. Бу методлар подполковник П. Попович ва майор А. Николаевга қўй қулиқ бутун учини давомида ўзларини яхши ҳис қилишлари имкон берди.

Николаев ва Поповичларнинг шу вақтга чад мисли қўрилмаган узоқ вақт учини, «Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош-кемалари га рига ўрнатилган йардош-кемалари аппаратларини бенимқулет ишлаганлиги, илмий тадиқотларини ўтказишга космонавтарнинг ўзлари актив қатнашганлиги совет фанига космик фазода учини шароитини янги киши организмига таъсирини ҳақида янги қimmatли маълумотлар берди.

Бу учинларнинг натижаси бизда космик фазода узоқ вақт учинида космонавтарларнинг соғлигини ва иш қобилиятини сақлаб қолиш учун шарт-шароит яратини мумкин, деган ишончин тугдиради.

Космик фазода гурппа бўлиб учини вақтида олинган маълумотларнинг ҳаммаси сиқилчилик ишлаб чиқилмоқда; илмий тадиқотларнинг натижалари эълон қилинади ва инсоннинг космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштириш ишига совет фани қўшган янги катта ҳисса бўлади.

«Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош-кемаларнинг гурппа бўлиб парвоз қилиши одамнинг космосда бўлиб қилиши билан қўшимча ҳаракат қилишга асос солди ва космик фазони ўзлаштириш йўлида буюк қадим бўлди. Бу парвозлар одамнинг космосга бевосита қўйиш имкониятини кўрсатди. Ер атрофидаги орбита бўлиб ҳам, бошқа планеталарга гомон ҳам янада мураккаброқ ва узоқ давомли парвозларини амалга ошириш йўларини кўрсатди.

(Давомини киничти бета)

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

162-ПОЧТОВИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЛИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТҚАНИШ ЮЗАСИДАН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент область Совети ижроия комитетининг 1962 йил 22 августдаги «Чақириб олинган депутат ўрнига Тошкент область Советига депутатлар сайлов ўтқаниш ҳақидаги қарорини ва область, шаҳар, район, поселка, қишлоқ ва овул Советига сайловлар ҳақидаги Низомининг 120-моддасига қувоник Тошкент область Совети ижроия комитети қарор қилади:

162-Почтовый сайлов округи бўйича Тошкент область Советига сайлов ўтқаниш учун округ сайлов комиссияси қўйидаги составда яамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар вакилларидан иборат қилиб тўзланди.

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Яхё Баходиров — «Узсельхозтехника» район бирлашмаси коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари — Музаффар Хайдаров — Давлат банк ходимларининг йилгилиддан.

секретари — Анна Николаевна Кучачанова — район комсомол ташкилотидан.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Александра Носифовна Славина — «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ички ва хизматчилари йилгилиддан.

Абдурахмон Собирович Садилов — район ижроия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Сергей Алексеевич Ким — район матлубот союзи ходимларининг йилгилиддан.

Любовь Герасимовна Подгорная — район саноат комбинати ходимларининг йилгилиддан.

Э. ШАНХОВ.

Област ижроия комитетининг секретари вазифасини бажарувчи

Ф. ТРУБИН.





